

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
ТОВАР БЕЛГИЛАРИГА  
ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА БЕРИШ**

**Тошкент – 2024**

Қўлланма товар белгилари соҳасида амалда бўлган қонунчиликка асосланади ҳамда қонун ҳужжатларидаги қатор қоидаларни баён этади, аммо уларнинг ўрнини босмайди.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун ариза топширишдан аввал, Сиз Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуни, Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти ва бошқа норматив ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартномалар билан танишиб чиқишингиз лозим.

Қўлланма товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш ва топшириш, уни кўриб чиқиш, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш масалаларига бағишланган.

Қўлланмада қуйидаги қисқартмалардан фойдаланилган бўлиб, кейинчалик уларнинг изоҳи берилмайди:

**Қонун** – Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуни.

**Регламент** – Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 13.07.2022 йилдаги 385-сон).

**АК Низоми** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 856-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги Низом.

**ПВ тўғрисидаги низом** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 298-сонли Қарори билан тасдиқланган Патент вакиллари тўғрисидаги низом.

**АК Қоидалари** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари деб эътироф этиш тўғрисидаги аризаларни бериш ва уларни кўриб чиқиш қоидалари (2019 йилнинг 30 октябрида 3190-сон билан рўйхатга олинган).

**Вазирлик** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

**Талабнома** – товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома.

**Талабнома берувчи** – товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топширган шахс.

**Апелляция кенгаши** – Вазирликнинг Апелляция кенгаши.

**Париж конвенцияси** – Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси. **Конвенцион талабнома** – Париж конвенциясига мувофиқ топширилган талабнома **БИМТ** – Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти.

**БИМТ ХБ** – Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Халқаро бюроси.

**Баённома** – Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига Баённома.

**Йўриқнома** – Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битими ҳамда ушбу битимга Баённомага умумий йўриқнома.

**Халқаро рўйхатдан ўтказиш** – БИМТ ХБ томонидаг Баённомага мувофиқ амалга оширилган товар белгисининг халқаро рўйхатдан ўтказилиши.

**ТХХК** – белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун Товарлар ва хизматларнинг халқаро классификацияси.

### **Умумий қоидалар**

Товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазаси соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (IV бўлим. Интеллектуал мулк), Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазасига оид бошқа норматив актлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазасига тегишли қуйидаги халқаро шартномалар ва битимларнинг қатнашчисидир:

БИМТни таъсис этувчи Конвенция;

Саноат намунасининг муҳофазаси бўйича Париж конвенцияси;

Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига Баённома;

Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги шартнома (ТЛТ шартномаси);

Белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларнинг халқаро классификацияси тўғрисидаги Ницца битими.

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси (бундан кейин матнда «товар белгиси» деб юритилади) бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини (бундан буён матнда «товарлар» деб юритилади) бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

Товар белгиси товар мулкчилигининг алоҳида рамзи бўлиб, у ушбу товарга эгалик қилиш ва даромад олишнинг мутлақ ҳуқуқи ҳамда сифатсиз товар етказиб берилганлик учун зарарни қоплаш мажбурияти кимга тегишли эканини ифодалайди. Бу эндиликда муаллифлик белгиси ҳам, сотилаётган товар характери ҳақидаги ахборот ҳам эмас, балки товар эгасининг интеллектуал мулки бўлган алоҳида белгидир.

Товар белгиси товар мулкчилигининг алоҳида рамзи бўлиб, у ушбу товарга эгалик қилиш ва даромад олишнинг мутлақ ҳуқуқи ҳамда сифатсиз товар етказиб берилганлик учун зарарни қоплаш мажбурияти кимга тегишли эканини ифодалайди. Бу эндиликда муаллифлик белгиси ҳам, сотилаётган

товар характери ҳақидаги ахборот ҳам эмас, балки товар эгасининг интеллектуал мулки бўлган алоҳида белгидир.

Товар белгилари якка тартибда ва жамоавий бўлиши мумкин:

- алоҳида юридик ёки жисмоний шахсга тегишли товар белгиси якка тартибдаги белги ҳисобланади;

- юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашмасининг улар томонидан ишлаб чиқариладиган ва (ёки) реализация қилинадиган бир хил сифатга ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарларини белгилаш учун мўлжалланган товар белгиси жамоавий белги ҳисобланади.

Тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

**Сўзли белгиларга** сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар, бошқа сўз бирликлари ва шунингдек уларнинг бирикмалари киради. Сўзли товар белгилари белгиларнинг энг оммавийлашган тури бўлиб, улар бошқа белгиларга нисбатан жуда катта фарқлаш қобилиятига эга бўлади. Улар кулок билан ҳам, кўз билан ҳам идрок этилади, бу эса фойдаланувчилар учун катта қулайлик туғдиради. Бутун-бутун маъноли иборалар ҳам, шунингдек сунъий ҳосил қилинган (ҳаёлий) сўзлар ҳам товар белгиси сифатида қўлланиши мумкин.

**Тасвирий белгиларга** жонли мавжудотлар, предметлар, табиий ва бошқа объектлар тасвирлари, шунингдек исталган шаклдаги фигуралар, чизиқлар, доғлар, фигураларнинг текисликдаги композициялари киради. Ҳажмли белгиларга уч ўлчамли объектлар, фигуралар ҳамда чизиқлар, фигураларнинг комбинациялари киради.

**Жамлама белгиларга** турли характердаги, яъни тасвирий, сўзли, муайян шаклдаги ҳажмли ва бошқа элементлар комбинацияси киради. Ичимликлар, доривор препаратлар учун ёрликлар, конфетлар, печеньелар учун ўровлар ва бошқалар жамлама белгиларнинг бир тури ҳисобланади.

**Бошқа белгиларга** рақамли, ҳарфли, товушли, ёруғликдан иборат бўлган, ҳидли ва бошқа белгилар киради.

Рақамли белгиларга рақамларнинг комбинациясидан иборат бўлган белгилар киради.

Ҳарфли белгиларга сўз шаклига эга бўлмаган ва семантик мазмундан холи бўлган ҳарфлар комбинацияси киради.

Юқорида санаб ўтилган белгилардан ташқари кўздан бошқа сезги органлари билан қабул қилиниши мумкин бўлган белгилар ҳам мавжуд.

Товушли, ҳидли ва бошқа турдаги белгилар шулар жумласига киради. Товушли белгиларга мусиқа асарлари, жўр овозлар, яхши таниш бўлган товушлар ва табиатда учрайдиган нодир товушлар, табиатда учрамайдиган электрон товушлар ва бошқалар киради.

Ҳидли белгиларга ҳид сезиш органлари билан қабул қилишга мўлжалланган белгилар киради.

Ёруғликдан иборат белгиларга ёруғлик эффекидан ҳосил бўлган белгилар киради.

Товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазаси уни Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасида товар белгисига ҳуқуқий муҳофазани бевосита Вазирликнинг ўзига талабнома топширган ҳолда (миллий процедура) ёки халқаро рўйхатдан ўтказишнинг амал қилишини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жорий қилиб (халқаро процедура) олиш мумкин.

### **Товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар**

Қонун ҳужжатларига асосан муҳофазага лаёқатли бўлган белги товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилади.

Талабнома берилган белгининг рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар деганда ушбу белгининг товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган аломатлар мажмуи билан аниқланадиган юридик хусусияти тушунилади.

Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берилган белгилар ҳамма вақт ҳам товар белгилари сифатида ҳуқуқий муҳофаза қилинавермайди, уларни рўйхатдан ўтказишга тўсқинлик қиладиган Қонунда белгиланган бир қатор асослар мавжуд.

Қонунда товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазага лаёқатлилиги тақиқлаш шаклида ифодаланган, яъни товар белгилари сифатида Қонунинг 10-моддасида кўрсатилган ҳамда товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган ёки муайян шартларга риоя қилинган ҳолда рўйхатдан ўтказиладиган белгилардан ташқари бошқа турли белгилар рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Қуйидагилар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

1) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар

2) давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари; Давлатлар, ҳукуматлар ёки расман тан олинган халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг байроқлари, герблари ёки бошқа эмблемаларининг тўлиқ ёки қисман тасвирларидан ташкил топган белгилар, тегишли давлат органининг розилиги билангина, товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Бунда халқаро (ҳукуматлараро) ташкилотларнинг эмблемалари ва номлари, уларни рўйхатдан ўтказиш учун фақат ушбу ташкилотлар томонидан талабнома топширилгандагина, рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Булар кўрсатиб ўтилган белгилар имитацияларига ҳам тааллуқлидир;

3) расмий назорат, кафолат тамгалари ва намуна йўсинидаги тамгалар, муҳрлар. Тамгалар ва муҳрлар муайян шартларни, асосан техникавий характердаги шартларни қониқтирадиган товарларни, уларнинг ишлаб чиқарувчисидан қатъи назар, кўрсатиш учун қўлланади. Товардаги асл металллар таркибини кўрсатадиган тамгалар ва ҳ.к. бундай белгиларга мисол бўла олади. Бундай белгилар ҳам товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган элементлар сифатида киритилиши мумкин, фақат бунинг учун тегишли ваколатли органнинг розилиги талаб қилинади;

4) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари. Агар ажратиш белгиларининг тасвирлари белгининг ягона ёки етакчи элементи сифатида намоён бўлса, бу ҳолда улар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди. Агар шу каби тасвирлар талабнома берилаётган белгига таркибий қисм сифатида киритилган бўлса, бу ҳолда талабнома берувчи улардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим этиши лозим;

5) хусусан қуйидагилар таалуқли бўлиши мумкин бўлган фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар: - ўзига хос график тасвирга эга бўлмаган алоҳида ҳарфлар, рақамлардан иборат бўлган белгилар, сўз кўринишига эга бўлмаган ҳарфлар бирикмалари; - чизиқлар, оддий геометрик фигуралар ва уларнинг таркибига кирган алоҳида элементларидан фарқли, сифат жиҳатдан бошқа қабул қилиш даражасини берадиган композициялар ҳосил қилмайдиган бирикмалари; - товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишга топширилган талабномадаги товарларни белгилаш учун уларнинг ҳақиқий ёки схематик тасвирлари; - шакли фақат функционал вазифасидан келиб чиқадиган уч ўлчамли объектлар; - талабнома берилган товарларни аташ учун қўлланадиган умум эътироф этилган оддий номлари; - ташкилот, корхона ва соҳаларнинг умумқабул қилинган қисқартирилган номлари ва уларнинг аббревиатуралари.

б) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар. Бунда муайян товар учун қўлланадиган белги тушунилиб, бундай белги турли ишлаб чиқарувчилар томонидан маълум бир товар ёки худди ўша турдаги товар учун узоқ вақт ишлатилгани туфайли тур тушунчасини билдира бошлайди. Қуйидагилар бундай белгиларга мисол бўла олади: целлофан, термос, ланолин, вазелин, сахарин, целлулоид, эскалатор, примус, граммофон, магнитофон, линолеум, нейлон ва бошқалар;

7) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар. Бундай белгиларга одатда, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар рўйхатидаги товарлар мансуб бўлган хўжалик ёки фаолият соҳасини тасвирлайдиган белгилар, ва шунингдек, фан ва техникада қўлланиладиган шартли белгилар киради. Умум эътироф этилган атамаларга фан ва техниканинг аниқ бир соҳасига хос бўлган сўз бирликлари киради. Бундай тасвирларга хўжалик соҳалари бўйича қуйидагилар киради: машинасозлик – шестерня; химия ва фармацевтика саноати – колба, бензол ҳалқаси; гўшт-сут

саноати – йирик қора мол, ҳайвонлар бошлари; тиббиёт – илон ва пиёла ва бошқалар. Турли фан ва техника соҳаларида қўлланадиган шартли белгилар, масалан, кимёвий элементларнинг белгилари (H, Fe), турли билим соҳаларига мансуб рамзлар (математикадан интеграл рамзи ва бошқалар) ҳам умум қабул қилинган рамзлар қаторига киради. Умум эътироф этилган атамаларга фан ва техниканинг аниқ бир соҳасига хос бўлган лексик birlikлар киради. Бунга мисол тариқасида кобальт, манометр, ампер, апатит каби атамаларни келтириш мумкин.

8) товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини, шунингдек уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар. Ушбу кўрсатиб ўтилган белгиларга қуйидагилар киради: товарларнинг оддий номлари (идиш-товоқ, печенье, мева шарбатлари ва бошқалар); товарлар сифат тоифасининг белгиси; товарларнинг хусусиятини кўрсатувчи (шу жумладан, мақтов характериға эга бўлган) белгилар; хом ашё материални ва таркибини кўрсатувчи белгилар; товарларнинг оғирлиги, ҳажми, нархини, ишлаб чиқарилган санасини кўрсатувчи белгилар; тур номлари ва бошқалар.

Қуйидаги ишоралар бундай белгиларга мисол бўла олади:

товар турига ишора – САРА ТОМАТЛАР;

товар сифати ва хусусиятиға ишора – «SHAFFOF», «A`LO»;

мақтов характериға сифатиға ишора – «LUX», «SUPER»;

товар миқдорига ишора – 1 л, 20 та сигарет;товар хусусиятиға ишора – «АНТИСТРЕСС».

Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисми 5-8 бандларида кўрсатилган белгиларни рўйхатдан ўтказишга, башарти бу белгилар амалда улардан аниқ товарлар учун фойдаланиш натижасида фарқланиш хусусиятиға эга бўлганлиги исботланган тақдирдагина, йўл қўйилиши мумкин.

Ҳеч қандай ҳолатда рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар ҳам мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

9) товар ёки унинг ишлаб чиқарувчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар.

Буларга товарнинг маълум бир сифати, унинг тайёрловчиси ёки келиб чиққан жойи ҳақида истеъмолчининг онгида ҳақиқатга тўғри келмайдиган тасаввур ҳосил қиладиган белгилар киради. Масалан, вискозадан ишланган товарлар учун “пахта” ишораси ёки Ўзбекистонда ишлаб чиқилган товарларга нисбатан MADE IN ITALY (ИТАЛИЯДА ТАЙЁРЛАНГАН) ишораси ёлғон ишоралар қаторига киради;

10) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

11) маъданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи жўғрофий номлар бўлган ёки шундай номларни

ифодаловчи, аммо мазкур жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган, шунингдек, улар таржима қилиб ёки «кўринишдаги», «турдаги», «усулдаги» ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан қўшилган ҳолда қўлланилган белгилар;

12) жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар; Ахлоқсиз мазмундаги матнлар ва тасвирлар, диний нишон ва рамзлар, фашистик нишонлар ва аксилдават шиорлари, инсон кадрини, диний ҳиссиётларни ҳақорат қиладиган инсонпарварликка зид характердаги шиорлар ва ҳ.к. мана шундай турдаги белгилар қатори-га киради. Масалан, «ZAM ZAM», белгиси мусулмонлар ҳис-туйғуларини ҳақоратловчи белги сифатида рўйхатдан ўтказилмайди (Зам Зам – Маккадаги муқаддас чашма номи);

13) қуйидаги белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар:

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

- ҳар қандай товарларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказиш асосида муҳофаза қилинадиган товар белгиси, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган товар белгиси, шунингдек товар белгиси сифатида фойдаланиладиган, лекин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳуқуқий муҳофазага эга бўлмаган белги юридик ёки жисмоний шахснинг аризасига биноан, агар бундай товар белгиларидан ёки белгидан муттасил фойдаланилиши натижасида улар аризада кўрсатилган санадаги ҳолатга кўра мазкур шахснинг товарлари хусусида Ўзбекистон Республикасида тегишли истеъмолчилар орасида кенг маълум бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгиси деб эътироф этилиши мумкин.

Товар белгисининг ҳаммага маълумлиги Вазирликнинг Апелляция кенгаши томонидан унинг қарори асосида белгиланади;

ушбу Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган товар келиб чиққан жой номи бўлган белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай товарларга нисбатан шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига

рўйхатдан ўтказиладиган товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилган ҳоллар бундан мустасно;

Мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жўғрофий объектнинг (бундан буён матнда «жўғрофий объект» деб юритилади) товарни белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятларини тамомила ёки асосан мазкур жўғрофий объектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган номи товар келиб чиққан жой номи деб эътироф этилади;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари. Рўйхатдан ўтказилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишга товар белгиси эгасининг бу белгини рўйхатга олиш учун розилиги бўлган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

Қуйидагиларни ифодаловчи белгилар рўйхатдан ўтказилмайди:

- ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушиш санасидан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

- саноат намуналарини такрорловчи белгилар, агар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса; - Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларини ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

- атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сўзларини, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дастхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасида товар белгисига ҳуқуқий муҳофаза олиш учун бевосита Вазирликка ариза топшириш (миллий процедура) ёки халқаро рўйхатдан ўтказилган товар белгисини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига татбиқ этиш (халқаро процедура) лозим. Ҳар иккала процедуранинг иш юритиш тартиби бир-биридан фарқланади, шунинг учун қуйида уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталамиз.

### **Миллий процедура: Ҳужжатларни топшириш**

Давлат хизматидан фойдаланишда:

резидентлар ваколатли органнинг махсус ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона

интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали;

норезидентлар ахборот тизими орқали ваколатли органга талабнома топширади.

Талабнома ваколатли органга почта алоқаси орқали ҳам топширилиши мумкин. Бунда талабнома ваколатли орган томонидан зудлик билан ахборот тизимига киритилади.

Талабнома топширилгандан кейинги босқичлардаги барча ҳаракатлар ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Ахборот тизими ва ЯИДХП ўртасида ахборот алмашинуви электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотларни узатиш тармоғи орқали реал вақт режимида амалга оширилади.

Талабнома берувчи томонидан аризани тасдиқлашнинг рад этилиши, шунингдек, давлат хизматини кўрсатишда патент божини тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос бўлади.

Талабномани қабул қилишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

Аризани ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали топширишда ариза шакли тўлдирилганидан сўнг талабнома берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, аризани тасдиқлайди.

Юридик шахс номидан ариза ташкилот раҳбари ёки бошқа вакил қилинган шахс томонидан тасдиқланади.

Ариза уни почта алоқаси орқали топширишда имзолаш йўли билан тасдиқланади. Бунда тегишли маълумотлар қўшимча варақларда келтирилганда, уларнинг ҳар бири имзоланади.

Давлат хизматини кўрсатишда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган миқдорда патент божи тўланади ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади.

Патент божи тўлови ягона биллинг тизими орқали электрон шаклда амалга оширилади.

Ваколатли орган талабномани қабул қилиб, рўйхатга олганидан сўнг талабнома берувчига талабноманинг қайд рақами ва келиб тушган санаси кўрсатилган хабарномани тегишли равишда ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали автоматик тарзда ёхуд почта алоқаси бўйича юборади.

Талабномага ахборот тизимида автоматик равишда икки ҳарфли ва тўққиз хонали рўйхат рақами берилади, бунда ҳарфлар (ТВ) саноат мулки объекти — товар белгисини, талабнома рақамидаги дастлабки тўртта сон — талабнома топширилган йилни, кейинги бешта сон — шу йилдаги ҳар йили бирдан бошланадиган тартиб рақамини билдиради.

Вазирлик қабул қилинган талабнома тўғрисидаги маълумотларни бир иш куни мобайнида ахборот тизимига барча фойдаланиши мумкин бўлган кўринишда жойлаштиради.

## **Талабнома бўйича ишларни олиб бориш**

Талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш расмий экспертизадан ўтказиш ҳамда талабномада кўрсатилган белгини экспертизадан ўтказишдан иборат бўлиб, Марказ томонидан амалга оширилади.

### **Расмий экспертиза**

Расмий экспертизанинг вазифаси талабнома материаллари таркиби, зарур ҳужжатлар мавжудлиги ва уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширишдан иборат. Расмий экспертиза натижалари бўйича талабнома берувчига Марказнинг талабномани кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ёки қабул қилишни рад этиш ҳақидаги қарори юборилади. Расмий экспертиза талабнома ахборот тизимида қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз кун давомида ўтказилади.

Расмий экспертиза жараёнида зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги, шунингдек, уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

Текшириш қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларга нисбатан ўтказилади: ариза;

талабнома берувчининг тўлиқ номи (исми) ва манзили кўрсатилганлиги; вакилнинг тўлиқ номи ёки исми (вакил мавжуд бўлганда);

рўйхатдан ўтказиш сўралаётган белгининг тасвири;

рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар рўйхати;

конвенция устуворлиги сўралганда,

биринчи талабнома нусхаси;

кўргазма устуворлигини сўраш қонунийлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

товарлар рўйхатини ва уларнинг ТХХТ синфлари бўйича гуруҳланиши тўғрилигини текшириш;

патент божининг белгиланган миқдорга мувофиқлиги;

келишув (талабнома жамоавий белгига оид бўлганда);

ишончнома (вакил мавжуд бўлганда);

ажратилган талабнома топширилганда, талабномани товар белгисига берилган рақами кўрсатилган дастлабки талабномадан ажратиш тўғрисидаги илтимоснома;

бошқа тилда топширилган материалларнинг таржимаси.

Расмий экспертиза ўтказиш жараёнида талабнома материаллари Регламентнинг талабларига риоя қилинмаган ҳолда расмийлаштирилганлиги аниқланганда, талабнома берувчига экспертиза сўровномаси юборилади ва сўровномада аниқланган камчиликлар кўрсатилади.

Давлат экспертизаси сўровномасига белгиланган муддатда жавоб келиб тушмаганда, ёки тўлиқ жавоб берилмаганда, ёхуд жавобни топшириш муддатини узайтириш ҳақида илтимоснома тақдим этилмаганда, талабнома

чақириб олинган деб ҳисобланиб, талабнома бўйича иш юритиш тўхтатилади ва бу ҳақда талабнома берувчига хабарнома юборилади

Талабнома материаллари белгиланган талабларга жавоб берса, талабномани кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Агар талабнома берувчи томонидан тақдим этилган жавобда расмий экспертизанинг сўровномасида сўралган маълумотлар ва/ёки ҳужжатлар бўлмаса, талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилади.

Агар Сиз расмий экспертиза қароридан норози бўлсангиз, қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч ой мобайнида Вазирликнинг Апелляция кенгашига шикоят беришга ҳақлисиз.

### **Талабномада кўрсатилган белгини экспертизадан ўтказиш**

Талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказиш талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарорга мувофиқ Марказ томонидан амалага оширилади. Экспертизадан ўтказиш чоғида талабномада ифодаланган белгининг Қонун ҳамда Регламентда белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади. Давлат экспертизасини ўтказиш чоғида бир нечта товар ва (ёки) хизматлар келтирилган талабномани у бўйича қарор қабул қилингунга қадар Сизнинг илтимосингизга кўра иккита ёки бир нечта талабномага ажратиш мумкин. Бу дастлабки талабномада санаб ўтилган товарлар ва (ёки) хизматларни ажратилган талабномаларга тақсимлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Бунда ажратилган талабномада кўрсатилган товарлар ва хизматлар биринчи талабномада қолдирилган товарлар ва хизматлар билан бир хил бўлмаслиги керак. Талабномани ажратиш тўғрисидаги илтимосномага мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар ва талабномани ажратиш учун белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинади.

### **Товар белгисининг устуворлигини белгилаш**

Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун Вазирликка талабнома берилган санага қараб белгиланади. Товар белгисининг устуворлиги шунингдек қуйидаги саналар бўйича белгиланиши мумкин: - Париж конвенциясига аъзо давлатда товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун берилган биринчи талабнома санаси бўйича; - Париж конвенциясига аъзо давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил қилинган расмий ёки расман тан олинган халқаро кўргазмаларда ушбу белги билан белгиланган экспонатларнинг очиқ намоиш қилинган санаси бўйича; - Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига кўра аввал муҳофаза қилинган товар белгиси устуворлиги бўйича.

## **Товар белгисини текшириш**

Экспертиза олиб бориш чоғида белгиларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда талабнома берилган белгининг товар белгиси сифатида тан олиниши учун зарур бўлган талабдаги тавсифларнинг уларда мавжудлиги текширилади. Талабларнинг маълум бир қисми белгининг ўз тавсифларига тегишлидир, масалан, давлат герблари, байроқлари, давлат мукофотларининг тасвирларини, давлатларнинг расмий номларини ўз ичига олган-олмаганлиги, фарқлаш хусусиятига, шунингдек товар ёки унинг тайёрловчиси хусусида ёлгон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгиларга эга ёки эга эмаслиги ва ҳ.к. (белги тавсифи), талабларнинг бошқа қисми эса товар белгисининг учинчи шахслар ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган локал (ҳудудий) деб аталувчи янгилигига тегишлидир. Бошқача қилиб айтганда, агар товар белгиси аввал рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берилган товар белгилари билан айнан бир хиллик ёки аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлса, бу ҳолда у рўйхатдан ўтказиши мумкин бўлмайди. Товар белгисининг тавсифларини текширишда давлат герблари, байроқлари, давлатлараро ташкилотлар эмблемаларига ва ҳ.к. тегишли маълумотларни ўз ичига олган ахборотдан, шунингдек техник маълумотномалар, политехник луғатлар, энциклопедиялар, бошқа маълумот базалари ва ҳ.к. ахборотидан фойдаланилади.

Айнан бир хиллик ва ўхшашликка доир қидирув Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берилган товар белгилари фонди бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ҳам тегишли бўлган халқаро рўйхатдан ўтказиш фондлари бўйича олиб борилади.

Ўхшашлик даражаси талабнома берилган ва қидирув пайтида аниқланган белгиларни визуал қиёслаш йўли билан аниқланади. Агар талабнома берилган белгининг барча элементлари бошқа белгига тўла мос келса, бу ҳолда улар ўзаро айнан ўхшаш деб ҳисобланади. Агар талабнома берилган белги бошқа белгини, улар ўртасидаги айрим фарқларга қарамай, эслатса, бу ҳолда улар аралаштириб юбориш даражасида ўхшаш ҳисобланади.

### **Сўзли белгилар ўхшашлиги**

Сўзли белгиларнинг ўхшашлигини аниқлаш учун улар қуйидагилар билан таққосланади:

- а) сўзли белгилар билан;
- б) таркибига сўзли белгилар кирган жамлама белгилар билан.

Сўзли белгилар товуш (фонетик), график (кўз билан кўрадиган) ва мазмун (семантик) жиҳатдан ўхшаш бўлиши мумкин.

### **Товушли (фонетик) ўхшашлик**

Товушли ўхшашлик қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

- а) таққосланаётган белгиларда яқин ва мос тушадиган товушлар мавжудлиги;

б) белгиларни ташкил қилувчи товушларнинг яқинлиги;  
в) яқин товушлар ва товуш бирикмаларининг бир-бирига нисбатан жойлашиши;

г) мос бўғинлар мавжудлиги ва уларнинг жойлашиши;

д) белгилардаги бўғинлар сони;

е) мос товуш бирикмаларининг белги тақибдаги ўрни;

ж) унли товушлар таркибининг яқинлиги;

з) ундош товушлар таркибининг яқинлиги;

и) белгилари бир-бирига мос қисмларининг характери;

к) бир белгининг иккинчисига кириши;

л) урғу.

Белгиларнинг ўхшашлигини аниқлаш учун уларнинг бошланғич қисмлари;

охирги қисмлари;

ўрта қисмларининг мос келиши ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

### **График ўхшашлик**

График ўхшашлик қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

а) умумий кўриш таассуроти;

б) шрифт тури;

в) ҳарфлар характерини ҳисобга олган ҳолда график ёзилиши (босма ёки ёзма, бош ёки кичик ҳарф);

г) ҳарфларнинг бир-бирига нисбатан жойлашиши;

д) сўз ҳарфлари ёзилган алифбо;

е) ранг ёки ранглар уйғунлиги.

График ўхшашлик товушли ўхшашликка нисбатан ўзгарувчан тус касб этади, чунки белгини турли график бажаришда у йўқ бўлиши ва яна пайдо бўлиши мумкин, белгининг товуш билан боғлиқ жиҳати эса бу пайта ўзгармай қолаверади. Шундай қилиб, график ўхшашлик сўзли белгилар ўхшашлигининг ёрдамчи мезони сифатида намоён бўлади.

### **Мазмунан (семантик) ўхшашлиги**

Мазмунан ўхшашлик қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

а) белгиларда ифодаланган тушунчалар, ғояларнинг ўхшашлиги хусусан, белги мазмунининг турли тилларда мос келиши;

б) белгининг мантикий урғу берилган ва мустақил аҳамиятга эга бўлган бирон-бир элементининг мос туриши;

в) белгида ифодаланган тушунчалар, ғоялардаги қарама-қаршилиқ. Мазмун ўхшашлиги график ўхшашликдан фарқли ўлароқ мустақил ўхшашлик мезони сифатида намоён бўлиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган аломатлар экспертиза пайтида ҳар бири алоҳида ва турли бирликларда ҳисобга олиниши мумкин.

### **Тасвирий ва ҳажмли белгиларнинг ўхшашлиги**

Тасвирий ва муайян шаклдаги ҳажмли белгиларнинг ўхшашлигини аниқлаш учун улар қуйидагилар билан таққосланади:

- а) тасвирий белгилар билан;
- б) ҳажмли белгилар билан;
- в) таркибига тасвирий ёки ҳажмли элементлар кирган жамлама белгилар билан.

Тасвирий ва муайян шаклдаги ҳажмли белгиларнинг ўхшашлиги қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

- а) ташқи шакли;
- б) симметриянинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;
- в) мазмуни;
- г) тасвир тури ва характери (натуралистик, услубийлаштирилган, ҳажвий ва ҳ.к.)
- д) ранглар ва туслар уйғунлиги;

Санаб ўтилган аломатлар ҳар бири алоҳида ва турли бирикмаларда ҳисобга олиниши мумкин.

### **Жамлама белгининг ўхшашлиги**

Жамлама белгиларнинг ўхшашлигини аниқлаш учун улар қуйидагилар билан таққосланади:

- а) жамлама белгилар билан;
- б) текширилаётган жамлама белги таркибига унинг элементи сифатида кирадиган белгилар турлари билан.

Жамлама белгиларнинг ўхшашлигини аниқлашда юқорида келтирилган аломатлардан фойдаланилади ва айнан бир хил ёки ўхшаш элементнинг талабномада кўрсатилган белгидаги ҳолатининг аҳамияти текширилади.

### **Товарларнинг бир хил жинслилигини белгилаш**

Товарларнинг бир хил жинслилиги деганда истеъмолчида шу товарлар битта ишлаб чиқарувчига қарашли деган қатъий тасаввур пайдо бўлиш имконияти тушунилади. Товарларнинг бир жинслилигини белгилашда товарларнинг тури, бажарадиган вазифаси, улар тайёрланган материал тури, товарларни сотиш шarti, истеъмолчилар доираси ва бошқа аломатлар эътиборга олинади. Товарларнинг бир хил жинслилигини аниқлайдиган белгилар асосий ва ёрдамчи белгиларга ажратилади. Асосий белгиларга қуйидагилар киради: товарларнинг тури; товарларнинг бажарадиган вазифаси; товарлар тайёрланган материал тури. Товарларнинг бир хил жинсга мансуб деб тан олиниши учун одатда уларнинг бир турдаги товарлар гуруҳига мансублиги асос бўлиб хизмат қилади. «Товар тури» тушунчаси товарлар тайёрланган материални, шунингдек буюмнинг ташқи кўринишини ўз ичига олади. Товар бажарадиган вазифани белгилашда унинг қўлланиш соҳаси ва қўлланиш мақсадини эътиборга олиш лозим. Товарлар ва хизматларнинг бир

хил жинслилигини аниқлашда, қидирув доирасини белгилашда ТХХК асосий манба сифатида қўлланади. Бироқ товарларнинг битта ТХХК синфига мансублиги уларнинг бир хил жинсга мансуб деб эътироф этилишига асос бўла олмайди. Бир хил жинсда бўлмаган товарлар битта синфга мансуб бўлиши (масалан, 9-синф: приборлар ва асбоблар, кўзойнақлар ва ўт ўчиргичлар) ва, аксинча, бир хил жинсдаги товарлар турли синфларга киритилган бўлиши мумкин (масалан, махсус лаборатория мебели – 9-синф, тиббиёт мақсадлари учун мебель - 10-синф).

### **Қўшимча материалларни тақдим этиш**

Талабнома бўйича иш юритиш жараёнида Сиз ўз ташаббусингиз билан талабнома материалларини талабнома моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда тузатиш, аниқлаштириш ёки унга қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эгасиз. Қуйидаги ўзгартишларни киритиш мумкин:

- а) талабнома берувчининг, патент вакилининг номини, номланишини ўзгартириш;
- б) талабнома берувчининг, патент вакилининг манзилгоҳини, ёзишмалар олиб бориладиган манзилини ўзгартириши;
- в) талабнома берувчини ўзгартириши;
- г) келишувга ўзгартириш киритиш;
- д) хатоларни тузатиш;
- е) товарлар рўйхатини қисқартириш

### **Экспертиза сўровига кўра қўшимча материалларни тақдим этиш**

Давлат экспертизасини ўтказиш жараёнида қўшимча материалларсиз экспертизани тугаллаш имкони бўлмаган ҳолларда талабнома берувчидан шундай материаллар сўраб олиниши мумкин. Давлат экспертизасининг сўровига биноан қўшимча материалларни Сиз сўров жўнатилган санадан эътиборан уч ой мобайнида тақдим этмоғингиз лозим. Сизнинг кўрсатилган муддат тугамай туриб келган илтимосингизга кўра ҳамда белгиланган давлат божи тўлангач, бу муддат узайтирилиши мумкин. Агар Сиз экспертиза сўровига жавоб бермасангиз ёки қўшимча материалларни тақдим этиш муддатларини бузган бўлсангиз, талабномангиз чақириб олинган ҳисобланади.

### **Муддатларни тиклаш**

Агар Сиз экспертиза сўрови бўйича қўшимча материалларни тақдим этиш муддатларини ўтказиб юборган бўлсангиз, бу ҳолда Вазирлик Сизнинг илтимосномангизга кўра уни тиклаши мумкин. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги расмий илтимоснома талабнома берувчи томонидан муддат ўтиб кетган кундан бошлаб икки ой ичида муддатни ўтказиб юборишга узрли сабабларни кўрсатган ҳолда топширилади. Расмий илтимоснома билан биргаликда тегишли давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади. Агар шундай ҳужжат тақдим этилмаган бўлса, расмий илтимоснома

топширилмаган деб ҳисобланади ва бу ҳақда Сизга билдиришнома юборилади. Сизга ўтказиб юборилган муддат тикланганлиги тўғрисида ҳам билдиришнома юборилади.

### **Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор**

Агар талабнома берилган белги белгиланган талабларга жавоб бериши аниқланса, талабномада кўрсатилган товарлар ва хизматлар учун товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Товар белгиси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги қарорни олгач, Сиз қарор жўнатилган санадан эътиборан уч ой муддат мобайнида товар белгисини рўйхатдан ўтказиш, товар белгиси тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш, гувоҳнома бериш ва гувоҳномаларнинг амал қилишини ўн йил мобайнида сақлаш учун белгиланган миқдорда патент божларини тўлашингиз лозим.

### **Товар белгисини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор**

Агар белги экспертизасини ўтказиш натижасида белги товарлар ва хизматлар рўйхатининг ҳаммаси учун Қонун ва Регламентда келтирилган талабларнинг камида биттасига мувофиқ келмаслиги аниқланса, талабнома берувчига товар белгисини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор юборилади. Экспертиза қарорига қарши бўлсангиз, Сиз қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч ой мобайнида уни Апелляция кенгашида кўриб чиқишлигини талаб қилиш ҳуқуқига эгасиз.

### **Талабномани чақириб олиш**

Талабномани кўриб чиқишнинг исталган босқичида, лекин товар белгисини рўйхатдан ўтказиш санасига қадар Вазирликка келиб тушган аризангизга кўра талабномангиз чақириб олиниши мумкин. Жамоавий товар белгисига талабнома ушбу белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган барча юридик ва жисмоний шахсларнинг розилиги бўлган ҳолдагина чақириб олиниши мумкин. Чақириб олинган талабнома бўйича ҳуқуқий аҳамиятга молик амаллар бажарилмайди. Бошқа талабномаларнинг экспертизасини ўтказишда чақириб олинган талабнома эътиборга олинмайди.

### **Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш, маълумотларни эълон қилиш, гувоҳнома бериш**

Белгиланган патент божи тўланганда Вазирлик товар белгисини тегишли давлат реестрида автоматик тарзда рўйхатдан ўтказди. Бунда товар белгиси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома электрон шаклда ахборот тизими орқали талабнома берувчига юборилади.

Товар белгиси рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар ваколатли орган томонидан ўзининг расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида эълон қилинади.

## **Халқаро процедура**

Аввал айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш Мадрид тизимининг қатнашчиси бўлиб, унга мувофиқ белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш БИМТ Халқаро бюросида амалга оширилади, кейин эса талабнома берилган белгини экспертизадан ўтказиш мақсадида халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси кўрсатган мамалакатларга юборилади.

Бунда халқаро рўйхатдан ўтказишнинг ҳуқуқий муҳофазаси, агар у миллий қонунчиликка мос келса, ушбу белги бевосита идоранинг ўзида рўйхатдан ўтказилганда қандай бўлса, худди шундай амалга оширилади. Халқаро рўйхатдан ўтказиш бўйича иш юритиш масалалари Баённома нормалари билан тартибга солинади, ушбу нормаларга мувофиқ, агар белги миллий қонунчилик талабларига мос келса, бу ҳолда унга у ёки бу мамлакат ҳудудида “индамай розилик бўйича” ҳуқуқий муҳофаза берилади. Агар белги миллий қонунчилик талабларидан бирига мос келмаса, бу ҳолда идора белгиланган муддат давомида БИМТ Халқаро бюросига ўз ҳудудида ҳуқуқий муҳофаза тақдим этишни рад этиш (дастлабки раддия) тўғрисида хабарнома юборади. Халқаро рўйхатдан ўтказиш эгасига БИМТ Халқаро бюросига дастлабки раддия тўғрисида хабарнома юборилади. Агар у раддиядан норози бўлса, патент вакили орқали идорага раддияда баён этилган сабаблар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши мумкин.

Халқаро рўйхатдан ўтказишга тегишли эксперт процедуралари тугаллангач, идора БИМТ Халқаро бюросига ушбу рўйхатдан ўтказишга доир узил-кесил қарорини хабар қилади, унда қуйидагилар кўрсатилади: муҳофаза бўйича раддия барча товарлар ва хизматларга тегишли экани; белги муҳофазаси талабномада сўралган барча товарлар ва хизматларга тегишли экани; белги муҳофаза қилинаётган товарлар ва хизматларга нисбатангина тегишлилиги.

Халқаро рўйхатдан ўтказиш экспертизаси миллий процедураларга айнан ўхшаш тарзда амалга оширилади. Бунда дастлабки раддия тўғрисидаги хабарнома миллий процедура бўйича жўнатилаётган сўровномага тенглаштирилади.

### **Дастлабки раддияга жавоб муддатининг узайтирилиши**

Дастлабки раддия тўғрисидаги хабарномага жавоб хабарномада кўрсатилган муддат давомида тақдим этилади. Ушбу муддат кўрсатилган муддат тугамай туриб берилган илтимосномага кўра кўпи билан олти ойга узайтирилиши мумкин.

### **Давлат божлари**

Қонуннинг 33-моддасига мувофиқ товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик учун (талабнома топшириш, ўзгартишлар киритиш, рўйхатдан ўтказиш, гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ва ҳ.к.) давлат божлари олинади.

**Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш СХЕМАСИ**

<b>Босқичлар</b>	<b>Субъектлар</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Бажариш муддатлари</b>
1-босқич	Талабнома берувчи	Давлат хизматидан фойдаланиш учун ваколатли органнинг ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали ёхуд почта алоқаси бўйича талабнома топширади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Талабнома берувчи	Талабнома топшириш учун патент божи тўловини амалга оширади.	3 ой давомида
3-босқич	Ваколатли орган	1. Талабномани қабул қилади. 2. Талабноманинг қайд рақами ва келиб тушган санаси кўрсатилган хабарномани тегишли равишда ваколатли органнинг ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали талабнома берувчига юборади.	Патент божи тўланганидан сўнг автоматик тарзда
4-босқич	«Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси	1. Талабноманинг расмий экспертизасини амалга оширади. 2. Расмий экспертиза натижаси бўйича талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарорни талабнома берувчига юборади.	Талабнома келиб тушган санадан бошлаб 30 кун давомида
5-босқич	«Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси	1. Талабноманинг экспертизасини амалга оширади. 2. Экспертиза натижаси бўйича товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорни талабнома берувчига юборади.	Талабнома келиб тушган санадан бошлаб 6 ойдан сўнг ва 7 ойдан ошмаган (экспертизани тезкор тартибда ўтказишда талабномани кўриб чиқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарор санасидан бошлаб 1 ой) муддатда
6-босқич	Талабнома берувчи	Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш, муҳофаза ҳужжатини бериш, эълон қилиш ва муҳофаза ҳужжатининг амал қилиш муддати учун патент божини тўлайди.	Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор жўнатилган санадан бошлаб 3 ой давомида
7-босқич	Ваколатли орган	Товар белгисини рўйхатдан ўтказди ва муҳофаза ҳужжатини беради.	Патент божи тўлиқ тўланганда автоматик тарзда.